

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАЪЛИМ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

*Нилуфар Асамутдиновна Имамова*

Халқаро рейтинглар билан ишлаши бўлими бошлиги

Тошкент давлат шарқшинослик университети

E-mail: [nilufar\\_imamova@tsuos.uz](mailto:nilufar_imamova@tsuos.uz)

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон таълим тизими, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар, таълим соҳасини янда ривожлантириши бўйича миллий таълим кластерларини шакллантириши ва ривожлантириши масалалари атрофлича муҳокама қилинган. Шунингдек, таълим кластерининг шаклланиши, унинг таълим тизимидағи ҳамда мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва роли очиб берилган.

**Калим сўзлар:** таълим тизими, таълим хизматлари, кластер, кластерлаштириши, кластер сиёсати, таълим кластери, таълим кластери шитирокчилари, вертикаль интеграция.

## FORMATION OF EDUCATIONAL CLUSTER IN THE NATIONAL ECONOMY

*Nilufar Asamutdinovna Imamova*

Head of the International Rankings department,

Tashkent State University of Oriental Studies

E-mail: [nilufar\\_imamova@tsuos.uz](mailto:nilufar_imamova@tsuos.uz)

**Annotation:** The article discusses the education system of Uzbekistan, the reforms implemented in it, and the formation and development of national educational clusters for the further development of the education sector. Also, the formation of the educational cluster, its place and role in the educational system, and the economic development of the country is revealed.

**Keywords:** Educational system, educational services, cluster, clustering, cluster policy, educational cluster, participants of the educational cluster, vertical integration.

## ФОРМИРОВАНИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Нилуфар Асамутдиновна Имамова**

Начальник отдела по работе с международными рейтингами,  
Ташкентский государственный университет востоковедения

E-mail: [nilufar\\_imamova@tsuos.uz](mailto:nilufar_imamova@tsuos.uz)

**Аннотация:** В статье рассматривается система образования Узбекистана, реализуемые в ней реформы, формирование и развитие национальных образовательных кластеров для дальнейшего развития сферы образования. Также раскрыто формирование образовательного кластера, его место и роль в системе образования и экономическом развитии страны.

**Ключевые слова:** система образования, образовательные услуги, кластер, кластеризация, кластерная политика, образовательный кластер, участники образовательного кластера, вертикальная интеграция.

### КИРИШ.

Ҳозирги кунда олий таълим муасссалари таълим сифатини ошириш, таълим жараёнининг мазмунини модернизация қилиш, янги таълим технологияларини, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, ОТМларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг янги тамойиллари ва ресурсларини излаб топиш билан боғлиқ бўлган устувор вазифаларни амалга оширишга, мазкур муаммоларни ҳал қилишга изчил харакат қилиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда таълим хизматлари бозори, хусусан, миллий таълим тизимида жаҳондаги глобаллашув ва модернизациялашув жараёнларида,

айнан олий таълим тизимида интенсив ривожланиш ва ОТМларнинг халқаролашув жараёнларини кучайиши босқичида ўзида бир қанча муаммолар, ечилиши лозим бўлган масалалар ва вазифалар мавжудлигини намоён қилмоқда.

Таълим хизматлари бозорининг фаолият олиб бориш механизмининг альтернатив варианти сифатида таълим соҳасининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи вертикал ва горизонтал интеграциялашган таълим кластерларини яратиш майдонга чиқиши мумкин.

### **УСЛУБЛАР.**

Тадқиқотда адабиётлар, турли моделлар ва назариялар таҳлили, анализ ва синтез, концептуал жадваллар, статистик маълумотлар ҳамда соҳага оид иқтисодий ҳисботлар таҳлилидан фойдаланилди. Шунингдек, соҳага оид таълим ташкилотларининг таълим тизимига доир таҳлилий маълумотлари, қонун хужжатлари, халқаро илмий нашрлар базалари маълумотлари таҳлилидан фойдаланилди.

### **НАТИЖАЛАР.**

Таълим кластерини пайдо бўлиш тарихини ўрганиш учун иқтисодчи олимларнинг кластерлаштириш бўйича ёндашувларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

XIX аср охирларида кластер ғоясини саноатни маҳаллийлаштириш концепцияси сифатида машҳур инглиз иқтисодчиси А.Маршалл берди. У Буюк Британияда XIX аср охирларида тўқимачилик ва кулолчилик саноатни таҳлил қилишда шундай хulosага келдики, ривожланишнинг мувафақияти саноат ихтисослашуви, керакли ресурслар ҳамда сотув бозорларининг маҳаллийлаштирилишининг марказлашувига боғлиқлигини айтиб ўтган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Marshall A Principles of Political Economy London: Maxmillan, 2002. 328 p.

1800 йилларда Альфред Маршалл саноатни муайян худудларга гурухлаш ҳақида ўйлай бошлади. У Страффордширда кулолчилик саноати, Букингемширда стул ишлаб чиқариш ва Шеффилдда вилкалар пичоқ ишлаб чиқариш ривожланганини пайқади. Шу ва бошқа кузатишлар асосида Маршалл иқтисодий агломерация концепциясини ишлаб чиқди. У саноатнинг бундай гурухланиши ёки кластерлашуви минтақада янги билим ва кўникмалар бозорини яратиши, қимматбаҳо ускуналардан тежамкор фойдаланиш имконини бериши, саноат ичидаги ўзаро органик алоқаларни осонлаштириши ҳамда илгор ғояларни осон ривожлантириш, тарқатиш имконини бериши ҳақида гапириб берди.

Бунга қўшимча равища, Йозиф Шумпетер иқтисодий нуқтаи назардан кластер тушунчасини инновациялар ва узлуксиз иқтисодий ривожланишни рағбатлантириши мумкин бўлган усул, маҳсулот ёки дизайн ёки жараён каби “янги” нарсаларнинг комбинацияси сифатида таърифлаган, ва бу жараёнда тадбиркор маҳсулот яратишдаги энг асосий рол ўйновчи шахс эканлиги таъкидланган<sup>2</sup>.

Маршаллнинг агломерация назарияси минтақавий ривожланиш тадқиқотларига сезиларли таъсир кўрсатди ва кўплаб замонавий назариялар ва сиёsatлар учун асос бўлиб хизмат қилди, жумладан, Майкл Портер каби иқтисодчиларнинг ишлари, кейинчалик саноат кластерлари кўринишида давом этди<sup>3</sup>.

Саноатни маҳаллийлаштириш концепцияси 1970 йилларда испан иқтисодчиси Хосе Рамон Ласуэн ишларида ҳам ўз ривожига эга бўлди. Мазкур олим худудий-тармоқли маҳаллийлаштирилган саноат корхоналари ва ташкилотларининг устунликларини ўз асарларида кўрсатиб берди.

<sup>2</sup> Schumpeter, J.A. (1939). Business cycle: a theoretical, historical and statistical analysis of the capitalist process. New York, McGraw-Hill.

<sup>3</sup> <https://digitalpromise.org/2017/04/11/ramping-research-education-innovation-clusters/>.

Испаниялик олим Х.Р.Ласуэн ўсиш қутблари бўйича қуидаги батафсил қоидаларни таклиф қиласди:

- ўсиш қутби минтақанинг бир ёки бир нечта географик концентрациясида жойлашган минтақа иқтисодиётининг экспорт сектори билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг минтақавий тугун бўлиши мумкин;
- ўсиш қутблари тизими ва уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида миллий талаб томонидан яратилган, минтақанинг экспорт сектори орқали узатиладиган ва қутблар ўртасидаги рақобат жараёнида сезиладиган импульслар ҳисобига ўсиб боради;
- ўсиш импульси корхоналар ўртасидаги бозор алоқалари орқали периферик иккиласми тармоқларга ва худди шу тарзда, лекин жойлашув омилларини ҳисобга олган ҳолда географик периферияга узатилади.

Ласуэннинг фикрича, иқтисодий ривожланиш ҳудудий қутбланишни талаб қилмайди. Гарчи дастлабки босқичларда иқтисодий ривожланиш ушбу марказлардан ташқарида тадбиркорлик йўқлиги сабабли ўсиш нуқталарида яратилиши мумкин бўлса-да, ривожланган мамлакатларда ривожланиш тобора камаймоқда. Бу инновациялар ва иқтисодий ривожланишнинг кенгроқ тарқалишига олиб келадиган кўпроқ диверсификацияланган бизнес тузилмаси билан боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, ривожланаётган мамлакатлар қутбланганд стратегиянинг жиддийлигини камайтирадиган диверсификацияланган корпоратив тузилмаларни яратиш орқали ўз ўсишини тезлаштириши мумкин<sup>4</sup>.

Кластер терминини биринчилардан бўлиб илмий истеъмолга, иқтисодиётга Майкл Порттер киритган. Мазкур термин унинг классик

---

<sup>4</sup> Ласуэн, Х. Р. Урбанизация и экономическое развитие: временное взаимодействие между географическими и отраслевыми кластерами // Пространственная экономика. — 2010. — № 1. — С. 68–104.

талқинида, яъни 1993 йилда ёзилган “Халқаро рақобат: мамлакатларнинг рақобатли устунликлари” асарида қуидагича таърифланади.

Кластер бу - бу биргаликда иш олиб борувчи, айни вақтда бир-бири билан рақобатлашувчи ихтисослашган, ўзаро боғланган компаниялар, ихтисослашган товар ва хизматлар етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар, шунингдек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълум соҳалардаги ташкилотларнинг географик жиҳатдан тўпланган гуруҳидир<sup>5</sup>.

М.Портер шунингдек, шуни ҳам таъкидлаганки, компаниянинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг атрофида ўраб турган иқтисодий мухитнинг рақобатбардошиги билан, ўз навбатида у ҳам базавий шароит (умумий ресурс)нинг ҳолати ҳамда кластер ичидаги рақобатга ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳозирги кунга келиб, кластерларда ҳудудий яқинлик жиҳати йўқолиб бормоқда, чунки М.Портер тадқиқот қилган даврга нисбатан ҳозирги кунда интернет кенг тарқалган, шу сабабли айни вақтда алоҳидалашган кластер тушунчаси ҳам кенг истеъмолга киритилган. Бунда кластер иштирокчилари бир-бирига нисбатан узокда бўлса ҳам, тармоқли интернет орқали фаолият олиб боришлари мумкин.

Кластернинг имкониятлари шунингдек, иқтисодчи олим П.Кругман томонидан ҳам ривожлантирилган. Унинг таъкидлашича, кластерлаш концепцияси ёки маҳаллийлаштириш иқтисодий географияни шакллантиради ва вақт ўтиши билан ҳудудий тузилмани ҳамда иқтисодий ўсишни ўзгартиради. Кластерлашнинг таъсири меҳнат бозорига бўлган талабни, маълумотларга яхшироқ киришни ва фирмалар, муассасалар ҳамда

<sup>5</sup> Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран. Пер. с англ./Под ред. И с предисловием В.Д.Щетинина. - М.: Международные отношения, 1993. – 896 с. Стр. 170

хукумат каби субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсирни, транзакция харажатларини, умумий манфаатлар ва эҳтиёжларни, ноёб инфратузилмаларни тежашни ўз ичига олади, шунингдек, иштирокчилар ўртасида рақобатбардошлиқ ва инновационликни рағбатлантиради<sup>6</sup>.

М.Портер ҳам кластернинг алоҳида афзалликлари ҳақида 2000 йилда ёзилган “Жойлашув, рақобат ва иқтисодий ривожланиш: глобал иқтисодиётдаги маҳаллий кластерлар” номли асарида, кластер орқали яратиладиган янги билимлар, кўникмалар, ва унинг натижасидаги афзалликлар ҳақида гапириб, кластерга қуидагича таъриф беради: “Кластерлар - бу маълум бир мамлакат ёки минтақадаги юқори ихтисослашган кўникмалар ва билимлар, муассасалар, рақобатчилар, тегишли корхоналар ва мураккаб мижозларнинг тўпланиши. Географик, маданий ва институционал яқинлик маҳсулдорлик ва унумдорликни оширишда узоқдан фойдаланиш қийин бўлган маҳсус кириш, маҳсус алоқалар, мукаммал ахборот, кучли рағбатлантириш ва бошқа афзалликларни беради”<sup>7</sup>.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) 1999 йилда жаҳоннинг турли мамлакатларида кластер тузилмалари таҳлили бўйича кенг миқёесда тадқиқот ўтказди. Тадқиқот шуни қўрсатдики, мамлакатлар кесимида кластер тушунчasi таърифи турлича маъно мазмун касб этган. Мазкур тушунча орқали мутлақо турлича ташкилот тузилмалари, яъни саноат районларидан тортиб то инновацион тармоқли тузилмаларгача таърифлар мавжуд бўлган. Натижа шундай бўлдики, кластерлар асосан, пастдан тепага яъни, жойлардаги маҳаллий ташабусслардан иборат бўлган.

<sup>6</sup> Krugman, P. (1998). What’s new about the new economic geography? Oxford review of economic policy, vol. 14 (2).

<sup>7</sup> Porter, Michael E. 2000. “Location, Competition, and Economic Development: Local Clusters in a Global Economy”. Economic Development Quarterly.14:15-34.

Уларнинг пайдо бўлиши бозор механизми элементлари ҳамда бозор талаби асосида шаклланган.

Ушбу тадқиқотга кўра, кластер хўжалик юритувчи субъект сифатида ўзи замонавий бозор механизмининг маҳсули бўлиб, иқтисодий жараёнларда ахборот-коммуникация компонентининг етакчи ролига эга бўлган тармоқ ташкилоти нуқтаи назаридан тавсифланади. Шунга кўра, кластер табиий равишда, яъни эволюцион тарзда, бозорнинг хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали шаклланиши ва ривожланиши мумкин<sup>8</sup>.

2000 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам кластерларни қўллаб-куватлаш, ривожланишини йўлга қўйиш бўйича турли ташкилий тузилмалар шаклана бошлади. Буларга Европа кластер обсерваторияси (European Cluster Observatory), Кластер сиёсати бўйича Европа гурухи (European Cluster Policy Group), Европа кластер альянси (European Cluster Alliance), Кластер инновацион платформаси (Cluster Innovation Platform) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Европа комиссияси ташкил этилаётган ва мамлакатлардаги инновацион фаолликни ошираётган кластерларга қуидагича таъриф берган: Кластер фирмалари уч кластер бўлмаган фирмаларга қараганда кўпроқ инновациондир. Ушбу инновацион кластер компаниялари 2004 йилдаги ўртacha Европа инновацион фирмасига қараганда икки баравар кўпроқ тадқиқотни бошқа фирмалар, университетлар ёки ҳукумат лабораторияларига аутсорсинг қилдилар. Бу кластерлар билим алмашибни рағбатлантиради, деган фикрни қўллаб-куватлайди, бу эса инновацияларни янада рағбатлантириши мумкин. Бундан ташқари, кластер фирмалари бошқа

---

<sup>8</sup> Boosting Innovation. The Cluster Approach. OECD Proceedings. – OECD Publication Service, 1999. – 427 p. 415-p.

инновацион фирмаларга қараганда тез-тез ўз инновацияларини патентлайди ва товар белгиларини олади<sup>9</sup>.

Инновацион фаолликни кучайтираётган кластерлар фаолияти бўйича кластер ташаббулари йўналишидаги тадқиқотлар натижасида Ў.Сўлвелл, К.Кетелс ва Г.Линдквист томонидан ёзилган “Кластер ташабусслари яшил китоби”да кластерларга фаол ташабусслар сифатида қуидагича таъриф берилган: Кластерлар “кластер ташаббуслари” деб таърифланган бир гурӯҳ ташкилотлар, шу жумладан компаниялар, давлат муассасалари, тадқиқот ҳамжамияти ва давлат маблағлари ёки бошқа расмийлаштирилган тадбирлар билан муайян лойиҳани амалга оширувчи маҳсус муассасалар ўртасидаги ҳамкорликнинг институционаллашган шакли<sup>10</sup>.

Европа кластер обсерваторияси ҳам тадқиқотида аниқлаганидек, “инновациялар ва иқтисодий ўсиш географик жиҳатдан юқори даражада тўпланган нуқталарда марказлашганлиги ҳақида кўплаб далиллар мавжуд”. Кластерлар - инновациялар ва иқтисодий ўсиш нуқталари марказлашган тузилмалардир<sup>11</sup>.

Жаҳон банки тадқиқотлари натижасида ҳам кластерлар фаолиятига субъектлар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида таъриф берилган. Унга кўра, кластер - бу хусусий ва давлат сектори субъектлари ўртасидаги муносабатлар тизимиdir. У одатда ташқи ва бир-бирини тўлдирувчи омиллар билан боғланган маълум бир соҳадаги компаниялар, етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва тегишли муассасалар гурӯхини ўз ичига олади<sup>12</sup>.

<sup>9</sup> The European Commission. Europe INNOVA / PRO INNO Europe paper № 9, Commission Staff Working Document, p. 22.

<sup>10</sup> Sölvell, Ö., Lindqvist, G., & Ketels, Ch. (2003). The cluster initiative greenbook. P 94. 31-p.

<sup>11</sup> <https://www.clustercollaboration.eu/tags/european-cluster-observatory>

<sup>12</sup> Nallari, Raj, and Breda Griffith. Clusters of Competitiveness. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-0049-8. 2013. 107-p.

## МУҲОКАМА.

Жаҳон мамлакатлар бўйлаб, кластерлар фаолиятининг кенг ёйилиши натижасида кластерлар фаолиятини чукурроқ таҳлил қилишга эҳтиёжлар, яъни унинг методологик асосларини яратишга асослар пайдо бўла бошлади. Кластерларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун тегишли шартшароитларнинг яратилиши, уларга таъсир этувчи омиллар, уларнинг турлари, ташкил этиш усувлари, классификацияси бўйича турли методологиялар яратила бошланди.

Кластерларнинг такомиллашуви, кластерлар фаолиятида илм сиғими юқори бўлган товар ва хизматлар яратилиши ва бу жараёнда таълим муассасаларининг ўрни ва ролининг ортиб бориши натижасида таълим кластерларнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлга қўйила бошланди.

Таълим кластери ўзида бир худудда жойлашган, таълим хизматининг якуний маҳсулотини шакллантирувчи, ўз-ўзлари билан рақобатлашувчи ва ўзаро харакат қилувчи, бир-бирининг рақобатбардош устунликларини оширишга ёрдам берувчи, шу билан бирга ўзида бир қанча ишлаб чиқариш омилларини, асбоб-ускуна ва технология, маҳсус хизматлар, инфратузилма етказиб берувчиларни ҳамда илмий-тадқиқот институтларини жамлаган олий таълим муссасалари гуруҳидир<sup>13</sup>.

Миллий иқтисодиётда кластерларни шакллаштириш ва ривожлантиришни йўлга қўйиш энг аввало, мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсати, хусусан, давлатнинг инновацион ҳамда минтақавий иқтисодий сиёсатига бевосита боғлиқ. Чунки кластерларни йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар, яъни кластерлаштириш жараёни миллий

---

<sup>13</sup> Н.А.Корчагина. Образовательные кластеры как основа повышения конкурентоспособности учебных заведений. Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии № 3(7) 2009. Стр. 79. Стр. 78-84.

иқтисодиётнинг инновацион ва минтақавий ривожлантириш сиёсати негизидаги кластер сиёсати билан амалга оширилади.

Кластерлаштириш – бу илм ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзаро таъсирини акс эттиришни кўрсатиб берувчи тушунчадир. Бундай акс эттиришнинг зарурий шарти ижтимоий тизимларнинг ўз хусусиятлари ва имкониятларини яхшилашга интилишидир. Бу ҳолат иқтисодий ва ижтимоий қадриятларнинг яқинлашиши ҳамда бозорда уларнинг мувозанатини таъминланиши асосида бизнесни ривожлантириш ғояларини илгари суради.

Кластерлаштириш деганда, тармоқли ҳамкорликни шакллантириш, корхоналарни кластерларга бирлаштириш учун жамиятдаги институтлар ва давлат томонидан амалга ошириладиган ташкилий-иқтисодий чоратадбирлар йигиндиси тушунилади.

Кластерларнинг минтақавий ва миллий рақобатбардошлиқ масалалари билан чамбарчас боғлиқлиги, кластер сиёсати номи билан аталувчи, кластерларнинг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам берувчи стратегик йўналишни пайдо бўлишига ва кун тартибига қўйилишига олиб келди.

Кўпгина мамлакатларда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб кластерлар - биргаликда жойлаштириш, ҳамкорлик ва рақобат орқали ишлашдан фойда кўрадиган корхоналарнинг географик концентрацияси – кластер ривожланиш сиёсатининг шиорига айланди. Бу марказлаштирилган бошқарув моделларининг устунлиги билан анъанавий саноат ва минтақавий сиёсат асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди.

М.Портернинг фикрига кўра, барқарор ижтимоий институтлар ва барқарор макроиқтисодий сиёсат фақат фаровонликни ошириш учун зарурий шартдир, асосий қиймат эса, микроиқтисодий даражада яратилади. Бу ҳолат эса, албатта бизнес юритиш мухитининг сифати билан боғлиқ.

Бизнес етарли даражада қўллаб-қувватланадиган, инновацияларни ривожлантириш учун қулай бўлган сиёсий ва ижтимоий муҳитда фаолият юритадиган бозорлар, бизнес етарли даражада қўллаб-қувватланмайдиган ёки сиёсатни потенциал таҳдид сифатида қабул қиласидиган бозорларга қараганда, ЯИМ ўсиш суръатларининг юқорилигини таъминлайди.

Мазкур бизнес бозорлари учун қулай муҳит яратиш учун ҳам пухта ўйланган, самарали кластер сиёсатлари керак бўлади.

Кластер сиёсати қайси модел орқали ривожланмасин, у иқтисодиётнинг ўсишига йўналтирилган бўлади. Бунга эса, агар бизнес, таълим ва илмий тадқиқиот институтлари, саноат ва хукумат биргаликда бир мақсад доирасида харакат қиласа эришиши мумкин. Ҳамкорлик доирасида эса, кластернинг инновацион ривожланишига ёрдам берувчи шароитлар яратилади.

Кластер сиёсатини ҳудуднинг маҳсус гуруҳларига нисбатан алоҳида ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Маҳсус гуруҳларни ажратиб олиш эса, бир қанча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларга қараб белгиланиши ҳамда асослаб берилиши лозим. Кластер таҳлили усули учун минтақанинг ялпи иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдланиш лозим. Уларга ЯҲМ ҳажми, асосий фондларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариши ҳажми (умумий ва фаолият соҳалари бўйича), чакана садо айланмаси, инвестициялар, инновацион фаоллик, аҳоли сони, демографик вазият ва бошқалар. Мазкур кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида ҳудудларни кластерларга гуруҳлаш имконияти яратилади.

Ҳудудий номутаносибликларни юмшатиш механизмини амалга оширишни ҳудуддаги етакчи корхоналарни қўллаб-қувватламасдан, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва табиий, инсон ва ишлаб чиқариши

салоҳиятидан максимал даражада фойдаланмасдан амалга ошириш маълум қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

## **ХУЛОСА.**

Бундан хулоса қилиш мумкинки, инвестиция секторини рағбатлантиришга қаратилган кластер сиёсати худудий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Кластерларни, хусусан таълим кластерини шакллантириш кластер сиёсати билан биргаликда махсус шарт-шароитлар ва ресурслар мажуини ҳам тақозо этади.

Таълим кластерини шакллантириш учун керакли шарт-шароитлар ва ресурсларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Инновацион инфратузилма (технопарк, бизнес-инкубатор, инновацион товар ва хизматларнинг маркетинг хизмати, инновацион ривожланиш марказлари, технологиялар трансфери марказлари, сертификациялаш марказлари ва б.к.);
2. Инновацион тадбиркорлик учун тайёрланган кадрлар;
3. Ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш фаолиятлари;
4. Жамиятнинг менталитетини инобатга олинганлиги;
5. Инновацион товар ва хизматлар бозорининг ривожланганлиги ва инобатга олинганлиги;
6. Технологик-ишлаб чиқариш салоҳияти (минтақанинг ишлаб чиқариши билан уюшган ҳолда)<sup>14</sup>.

Таълим кластерини яратилишига асос бўлувчи омиллар:

---

<sup>14</sup> А.Н.Загорский Тищенко. Кластеры: признаки, диагностика и формирование. Проблемы экономики. № 4, 2009. 87 стр.

1. Таълим хизматлари бозорида ижобий репутация ва илмий тажриба ҳамда илмий-таълим салоҳиятига эга бўлган йирик фундаментал ва амалий тадқиқот марказларининг, базавий ОТМларнинг мавжудлиги;
2. ОТМ базасида ИТКИларни фаоллаштириш учун ресурслар салоҳиятининг мавжудлиги;
3. Мехнат бозори мониторингини олиб борувчи аҳоли бандлигини таъминлаш марказларининг мавжудлиги;
4. Худудда, шунингдек, унга яқин минтақаларда малакали меҳнат ресурсларига эҳтиёжи юқори бўлган катта ҳажмдаги турли иқтисодий фаолиятларни олиб борувчи йирик ва кичик корхонларнинг мавжудлиги;
5. Ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланганлиги;
6. Географик қулай жойлашув<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, таълим кластерини яратиш жараёни унинг шакллантириш босқичларини батафсил ишлаб чиқишини, давлат ва барча манфаатдор томонларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади, бу ҳолат эса, мумкин бўлган салбий томонларни юмшатиш, шунингдек, таълим кластерининг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Marshall A Principles of Political Economy London: Macmillan, 2002. 328 p.
2. Schumpeter, J.A. (1939). Business cycle: a theoretical, historical, and statistical analysis of the capitalist process. New York, McGraw-Hill. <https://digitalpromise.org/2017/04/11/ramping-research-education-innovation-clusters/>.
3. Ласуэн, X. Р. Урбанизация и экономическое развитие: временное взаимодействие между географическими и отраслевыми кластерами // Пространственная экономика. — 2010. — № 1. — С. 68–104.

<sup>15</sup> Бородина М. А. Управление региональным экономическим кластером // Управление кластерами в региональной экономике: сб. науч. статей / Под ред. Р. М. Нижегородцева. – Новочеркасск : Набла ЮРГТУ (НПИ). – 2010. – 300 с.

4. Портер М. Международная конкуренция: Конкурентные преимущества стран. Пер. с англ./Под ред. И с предисловием В.Д.Щетинина. - М.: Международные отношения, 1993. – 896 с. Стр. 170
5. Krugman, P. (1998). What’s new about the new economic geography? Oxford Review of Economic Policy, vol. 14 (2).
6. Porter, Michael E. 2000. “Location, Competition, and Economic Development: Local Clusters in a Global Economy”. Economic Development Quarterly. 14:15-34.
7. Boosting Innovation. The Cluster Approach. OECD Proceedings. – OECD Publication Service, 1999. – 427 p. 415-p.
8. the European Commission. Europe INNOVA / PRO INNO Europe paper № 9, Commission Staff Working Document, p. 22.
9. Sölvell, Ö., Lindqvist, G., & Ketels, Ch. (2003). The cluster initiative green book. P 94. 31-p.
10. <https://www.clustercollaboration.eu/tags/european-cluster-observatory>.
11. Nallari, Raj, and Breda Griffith. Clusters of Competitiveness. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-0049-8. 2013. 107-p.
12. Н.А.Корчагина. Образовательные кластеры как основа повышения конкурентоспособности учебных заведений. Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии № 3(7) 2009. Стр. 79. Стр. 78-84.
13. А.Н.Загорский Тищенко. Кластеры: признаки, диагностика и формирование. Проблемы экономики. № 4, 2009. 87 стр.
14. Бородина М. А. Управление региональным экономическим кластером // Управление кластерами в региональной экономике: сб. науч. статей / Под ред. Р. М. Нижегородцева. – Новочеркасск : Набла ЮРГТУ (НПИ). – 2010. – 300 с.